



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 2 ноябрь, № 212 (5379)

Чоршанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимизнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишда салмоқли ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонини таъсис этилсин.
2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) 2011 йилнинг 20 декабрига «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонларининг белгиланган тартибда тайёрланиши тасдиқлансин.
4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши қотиби М. Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 31 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 31 октябрдаги Фармонида  
1-илова

### «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонини давлатимиз муҳофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларини барпо этишда салмоқли ҳисса қўшган шахслар, юқори профессионал маҳорати, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчида садоқатини намойён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этган, захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ёхуд ярадор бўлган ва шикастланган ҳарбий хизматчиларни тақдирланадилар.
2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонини Ўзбекистон Республикаси Президентини — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонини номидан қўшилма командири ва ундан юқори лавозимли шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.
3. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонини мукофотланганларга ҳарбийлашган тузилмалар вазирлиги ва идоралари раҳбарларининг буйруғига асосан топширилади.
4. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонини кўрақнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2011 йил 31 октябрдаги Фармонида  
2-илова

### «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТАВСИФИ

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонини 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотимасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.



Эсдалик нишонининг олд томонида таралётган куёш нурлари фонида «Ватанга қасам» монументи — жанговар байроқ олдида тиз қўйиб, Ватанга содиқлик ҳақида қасам ёд қилинган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчисининг сиймоси тасвирланган бўлиб, унинг ортида, ўнг томонда, юқорида ўлжага ўз муқаддас бурчининг адо этишига оқ фотиҳа бераётган она тимсоли акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг юбилейи санасини аълоқувчи «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 20 YIL» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг юзасида тасвирланган монументнинг ўнг ва чап томонида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган йил ва юбилей йили 1992 — 2012 рақамлари акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Эсдалик нишони ҳалқача ва илгакча ёрдамида устки қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли полсалари таширилган эни 24 миллиметр ипак лента ўралган беш бурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади. Кўк, оқ ва яшил полсаларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил полсаларнинг эни 1,5 миллиметр. Колодканинг баландлиги 48, эни 45 миллиметр. Тўғнағичга мустаҳкамланган.

Тасвирлар ва ёзувлар кабарикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

# Шундай юртда яшаш бахт!

Омадхон Ҳамидова Андижон вилоятидаги «Омад-97» фермер хўжалигининг раҳбари. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор. Дунё кўрган, давр билан ҳамнафас, ҳамқадам, тинч-тинчимас замондошимиз. Яқинда опанинг ҳаётида бир умр унутилмас, қувончли воқеа рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов унинг Андижон тумани, Ўрикзор маҳалласи, Камолот кўчасида жойлашган янги хонадонидан бўлиб, бу ердаги шарт-шароитлар билан танишди.



Намунавий лойиҳа асосида қад ростлаган бу замонавий уйнинг ҳар бир хонасини — болалар хонасидан тортиб, ошхонага айвонигача, ҳатто жихозларига қўшган кўчириб, ҳовлига разм ташлаб, меҳмон-

хонада хонадон соҳибаси билан дилдан суҳбат қурди. Қандай яшаётгани, ҳаётга муносабати, дала юмушлари оиласи, фарзандлари, неваралари, уларнинг ўқишлари, орзу-интилишларини сўраб-суриштирди.

— Камчиликлар йўқми? Уй сизга маъқулми? Яна нималар қилсак, ахши бўлади? Фикрингиз қандай? — деб сўради Президентимиз.

Омадхон опа Юртбошимизнинг саволларига дона-дона



## Замондош билан юзма-юз

қилиб жавоб берди. «Катта раҳмат! — деди қўлини кўксига қўйиб. — Юртимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодати, фарзандларимиз камоли йўлида катта, тарихий ишлар қиляспиз. Илоҳим, ҳамиша соғ-омон бўлинг!» Давлатимиз раҳбарининг «Аромонларингиз йўқми?» деган саволига шундай эмин-эркин, тўқис ҳаётини қўролмай кетган ота-онасини эслаб, юраги тўлғанидан бир оз йиғлаб ҳам олди.

...Омадхон опа олисларда қолган болалигини эсласа, ўзини ана шундай тўтолмай қолади. Отаси Ҳамиджон ака ўқитувчи, онаси Турсунхон опа миришкор пиллакор эди. Оилада ўн бир фарзанд. Ота-она рўзгор ташвишида эртаю кеч тиним билмас, кафтдеккина ерида қуйманганларни қуйманган эди. Ҳамиджон акани йил сайин етилиб, буй тортиб келаётган

фарзандларини уйлаб-жойлаш ташвиши қийнади. Ахир қишлоқда ер участкаси олиш энг оғир муаммо эди-да. Одамлар бир парчагина ер учун йиллаб навбатда туришарди.

Бир куни оқшом жамоа хўжалиги идорасига чиқиб кетган отаси ярим кечаси бир аҳволда қайтиб келди. Турсунхон опа ҳам, фарзандлари ҳам «тик» этса кўча ашиққа термилиб, оила боши йўлига илҳақ ўтиришарди. Ҳамиджон аканинг кайфияти буткул тушиб кетган эди. Онаси косага сузиб, совимасин деб кўтариб қўйган овқатга ҳам, чойга ҳам қайрилиб қарамди.

Турсунхон опанинг: «Тинчликми, дадаси?» — деган саволига «Э, қўй!» — деб кескин қўл силтади-ю, ичкари хонага йўналди.

(Давоми 2-бетда).

# БАЁНОТЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ИШЛАР БИР-БИРИГА ЗИД КЕЛГАНДА

«Ховар» агентлиги 2011 йил 26 октябрь кунини Тожикистон Республикаси ҳукуматининг Роғун ГЭСи курилишидаги ишларнинг боришига оид расмий баёнотини эълон қилди.

Баёнотнинг асосий маъно-маъмуни Тожикистон томони Роғун ГЭСи лойиҳасини халқаро экспертлардан ўтказиш бўйича Жаҳон банки билан тузилган битимга қатъий амал қилишда давом этаётганини ва лойиҳа халқаро экспертларнинг яқинда натижаларини кутмасдан Амударёнинг ирмоғи — Вахш дарёси оқими тўсиш бўйича дастлабки босқичдаги ишларга киришмоқчи эмаслигини таъкидлашга қаратилган.

Халқаро экспертлар ишига гўёки ҳеч қандай тўсиқлик қилинмапти, Роғун ГЭСи иншоотида амалга оширилаётган барча ишлар эса фақат таъмирлаш-тиклаш хусусиятига эга.

Келинг, аниқ фактларга мурожаат этайлик. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг мазкур баёнотида «Роғун ГЭСининг техник имкониятлари, иқтисодий самардорлиги, экологик хавфсизлиги кўп марта тегишлардан ўтказилган ва ушбу лойиҳа бирор марта ҳам салбий баҳо олманган», деб таъкидланади. Бироқ бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Маълумки, Роғун ГЭСи курилиши оид лойиҳа ўтган асрнинг 70-йиллари, яъни шу роллар даврида тайёрланган ва ҳеч қандай экспертизадан, чунончи, ҳолис халқаро экспертизадан ўтказилмаган. Объект курилиши 1976 йилда КПССнинг XXIV съезди директиваларига мувофиқ бошланган,

курулиш бўйича ҳеч қандай муҳокама ёки тафтиш ўтказилмаган. СССР парчаланиб кетгач, ушбу объектдаги ишлар ҳам тўхтатилди. Айнан шунинг учун ҳам Тожикистон томони объектни экспертизадан ўтказиш масаласи юзасидан ҳозирги кунга қадар ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмаётди.

Роғун ГЭСи лойиҳаси билан таниш бўлганлар учун сир эмаски, баландлиги 335 метрлик улкан тўғон курилиши учун танланган майдон ер қобилиятини сейсмотектоник ёриғидан жойлашган бўлиб, мазкур ҳудудда ер қатламларининг силсиласи кузатилади ҳамда юбилей кетиш эҳтимоли кучли бўлган қалинлиги қарийб 100 метрли ташкил этувчи улкан туз қатлами мавжуд.

Табиийки, бундай сабаблар, бошқа кўпчилик сингари, экспертиза ўтказилган халқаро консорциум мутахассисларида ҳам лойиҳанинг хавфсизлиги борасида жиддий шубҳа уйғотмоқда. Хусусан, тўғон барпо этилиши мўлжалланаётган жой — майдон сейсмотектоник ёриғида, туз қатлами устида жойлашганини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур ҳудуднинг мустаҳкамлиги ва ишончилигини текширмасдан туриб у ерда тўғон куриш ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам мантиққа зиддир. Боз устига, Роғун ГЭСини барпо этиш кўзда тутилётган зона Рихтер шкаласи бўйича 8-10 балли зилзилалар тез-тез содир бўладиган сейсмик фазл ҳудудда жойлашган. Экспертларнинг бундай асосли ва қонуний талаблари Тожикистон томонидан қўйилаётган турли тўсиқ-

## АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан «Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ислохотлар ислохот учун эмас, инсон манфаатларини барча жуда яхши билади.

Тожикистон ҳукуматининг баёнотида юқорида келтирилган бундай фактлар ҳақида лом-ним дейилмагани, мамлакат раҳбарларининг халқаро жамоатчиликдан бу борадаги ҳақиқий вазиятни яшириши билан навбатдаги қайсариона уринишдан ва юз бериши мумкин бўлган ҳалокатли техноген, экологик ҳамда социал оқибатларга қарамасдан Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга ошириш ниятидан қайтмоқчи эмаслигини бошқа нарсаси эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тожикистон раҳбариятига йўланган мустақил халқаро экспертларнинг фикрига қўлқў тутиш ва дунё таъриҳида қилинган аллақандай тахриятлар бундай йирик, жаҳонда энг баланд тўғон барпо этиш ниятидан воз кечиш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш борасида муқобил манбалар топшиш, жумладан, кичик ГЭСлар куриш хусусидаги баёнот ва даъватлар эътиборсиз қолдирилаётгани афсусланарлидир.

(Давоми 3-бетда).

# БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Бугун ривожланган дунё иқтисодиётида кичик бизнес аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишнинг муҳим омилга айланган бормоқда. Бозор конъюктурасига тез мослашувчан, глобал иқтисодий таъсирларга бардош бера оладиган мазкур соҳа жамият тараққиётида қанчалик муҳим аҳамият касб этгани ҳақида ҳолис молиявий-иқтисодий инқироз шариоатида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилётган юксак эътибор самаралари барқарор тараққий этаётган мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Мингдан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар пухта хатловдан ўтказилиб, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган, бугунги давр талабларига жавоб бермай-диган мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, қолаверса, қулай тадбиркорлик муҳитини яратишга қаратилган янги қонунлар, фармон ва қарорлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Натияжада Президентимизнинг соҳа ривожига оид йигирмадан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча қарор-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, бундан буён тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилинади. Яъни ушбу принципга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартароф

(Давоми 2-бетда).

## 2011 йил — Кичик бизнес

### ва хусусий тадбиркорлик йили

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2011 йилнинг юртимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган ҳамда бозор иқтисодиёти механизмидаги таъминлаштириш, тадбиркорликни ривож учун янада қулай бизнес муҳитини яратиш, жамиятимизда хусусий мулк аҳамиятини тубдан ошириш, иқтисодиётда давлатнинг аралашуви-ни камайтириш каби устувор ва-

зифаларини ўзида мурасам этган Давлат дастурининг ҳаётга жорий қилинаётгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастуридаги устувор вазифа сифатида мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш учун қулай ишчан муҳит

яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқлар ва говларни бартароф этишга қаратилган қонунчилик базасини янада тақомиллаштириш белгиланган. Жорий йилнинг ўтган даврида

лар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Натияжада Президентимизнинг соҳа ривожига оид йигирмадан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча қарор-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, бундан буён тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилинади. Яъни ушбу принципга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартароф

(Давоми 2-бетда).



**ЖАҲОН**

24 соат  
ичида

**Сайёра аҳолиси етти миллиардга етди**

“Euronews” телеканалнинг хабар беришича, Филиппинда сайёрамизнинг етти миллиардчи одами дунёга келган.

Унга Даника Май деб исми қўйилган. Шифокорлар қизалоқнинг аҳоли яши эканлигини билдиришмоқда. Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, 1999 йили Ер

юзи аҳолиси сони олти миллиард кишига етганди. Мутахассислар 2050 йилга бориб, бу рақам тўққиз миллиардни ташкил этганини таъкидлашаётди.

**Оралиқ масофа ва тежамкорлик**

Швециядаги йирик автомагистралларда машиналар ҳаракатлинини янги қондаси ишлаб чиқилди.

Унга кўра, қатнов чоғида автоуловлар ўртасидаги оралиқ масофа 25 метрдан ошмаслиги ва 15 метрдан камаймаслиги зарур. Бу, аввало, хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади. Аҳамиятли жиҳати эса, янги қонда туфайли юк автомобилларида ёнилги сарфи 10 фоизгача қисқараркан.




**Тахминлар тасдиқланмади**

Жорий йилнинг учинчи чорагида “Barclays” банки (Буюк Британия)нинг даромади 5 фоизга ошган.

Бу ҳақда “Bloomberg” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Қайд этилишича, солиқларни қўшиб ҳисоблаганда, ушбу даврда дамоля муассасаси 1,34 миллиард фунт-стерлинг миқдорига маблағ топишга эришган. Тааж-жублиси, экспертлар аввалроқ “Barclays”нинг даромади 1,24 миллиард фунт-стерлингга камайишини тахмин қилгандилар.

**Табиий офат талафоти**

Япониянинг компьютер дискководлари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур “TDK Corporation” корпорацияси янги икки йил давомида иш ўринлари сонини 11 мингтага камайитишини маълум қилди.



Бу корхонада фаолият олиб бораётган умумий ҳодимларнинг 12 фоизини ташкил этади. Изоҳла-нишича, жорий йилнинг баҳорида Кунҷикар юрда юз берган табиий офат, мамлакат валютаси — иенанинг қиймати ошиб бораётгани, қолаверса, айни кунларда Таиланд (ушбу давлат компьютер воситалари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринларда туради)да кузатилаётган сув тошқинлари “TDK Corporation” мутасаддиларининг шундай қарор қабул қилишига сабаб бўлди.

**Кондаги кўнгилсизлик**

Хитой жанубида жойлашган Хунань музофотидаги конда юз берган портлаш 29 кишини ҳаётдан олиб кетди.

Фожиа газ сизиб чиқи-ши оқибатида юз берган. Кўрилган тезкор чора-тад-бирлар натижасида олти нафар кончининг ҳаёти сақлаб қолинган. Шифо-корлар кутқариб олинган ишчилар яқин орадаги ка-салхонага жойлаштирил-гани ҳамда уларнинг аҳо-ли у қадар яхши эмасли-гини билдирганлар. Хитойда бундай кўнгилсиз воқеалар тез-тез содир бўлиб ту-ради. Жумладан, бирги-на 2010 йилда ана шун-дай нохушликлар оқиб-атида 2433 киши ҳаётдан кўз юмган.

**Ўсиш суръатлари пасаяди**

2012 йилда Европада иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайиши мумкин.

Бу ҳақда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташки-лоти томонидан маълум қилинди. Ушбу муассаса тайёрлаган маърузада Еврохудудда ялпи ички махсу-лот ҳажми жорий йилда 1,6 фоизни ташкил этиши кутулаётгани айтиб ўтилган. Кейинги йилда эса бу рақам 0,3 фоизга камайиши тахмин қилинмоқда. Экспертлар “кўхна китъа”даги айрим мамлакатлар, айниқса, Грециянинг молиявий инқирозни бошидан кечираётгани худуддаги иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлашаётди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Музейлар моҳиятан маълум бир давр тарихи ҳақида аниқ маълумотни ўзида мужассам этган маданий даргоҳ, моддий ҳамда маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий маскан ҳисобланади. У ерда бўлган киши экспонатлар орқали бевосита шу даврга саёҳат қилади. Тарих эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ўзлимизни англаш йўлидаги буюк манбадир.

Мустақиллигимизнинг дастлаб-ки йилларида қадимий тарихий тубдан ўзгарди. Президентимиз Ислам Каримовнинг тарихий меъ-морчилик ёдгорликларини таъмир-лаш ва консервация қилиш ҳамда янгидан ташкил эти-лаётган музейларга бўлган алоҳида эъти-бори ва гамхўрлиги туфайли 1996 йили мамлакатимизнинг энг қадимий шаҳар-ларидан бири — Шахрисабзда Амир Темур номидаги Моддий маданият тарихи музейи ташкил этилди. Бир қатор ҳомий муассасаларнинг қўллаб-қувватла-ши натижасида мазкур музей во-ҳадаги кичик илмий-маърифий марказ мақомини олди. Бу даврда Шахрисабзнинг моддий мадания-тини ўзида мужассам этган қўллаб осориатикалар тўпланди ва музей фондига кўшилди.

Бугунги кунда музейда сақлана-ётган теурийлар даврига оид ўзбек миллий давлатчилигининг 3000 йиллик ўтмишини ўз ичига оладиган осориатикалар ёшларни таълимнинг Ватанимиз тарихи ҳақида-ги тасаввур ва тушунчаларини янада бойитиш, тарихни ўрганиш, мустақиллик, миллий истиқлол гоёсини тараққий эттириш ва еттириш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

1996 йили Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан олиб борилган археологик қазих ва изланишлар натижасида теурийлар даврига мансуб 6500 дан зиёд осориа-тикалар топилди. Хусусан, мозаика, майолика, сопол буюмлар, мискар-лик, темирчилик ҳамда ёғоч ўйма-корлиги намуналари топилмалар-нинг энг нобларидир. Таъкидлаш жоизки, музей маъ-

мурияти Шахрисабзнинг тарихий ёшини аниқлаш учун археологик экспедиция ташкил этиш ташаббу-си билан чиққан эди. Бу маҳаллий ҳокимлик, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон

миздаги барча музейларни ягона бир тизимга бирлаштириш, улар-ни тарихий ўрганувчи, мустақиллик, миллий истиқлол гоёсини тарғиб этувчи жонли тарихий ва кучли ма-даний-маърифий тарғибот восита-сига айлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республика-си Президентининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаш-тириш тўғрисида”ги Фармони му-зейшунослик соҳаси равақига кенг йўл очиб берди. Истиқлол йилларида кўплаб ша-

Бордо-3 университети, Россия-нинг Эрмитажи, Италиянинг Ке-рамика музейи, Миср Араб Респу-бликаси музейлари, Саудия Арабистони, Германия Республи-каси ва Қозоғистоннинг “Дашти-Арт” маданият марказлари билан илмий-маърифий алоқалар ўрна-тилган бўлиб, илмий ҳодимлари-миз Ўзбекистон Миллий универ-ситети, Камолитдин Бехзод номи-даги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда Япония ва Миср Араб Республикаларида малакала-рини оширдилар.

Музей муҳо-фазасидаги ёдгорликлардан бири — Оқсарой Амир Темур томони-дан бунёд этил-ган меъморчи-лик иншоотла-ри орасида энг машҳур ва ҳашаматлиси саналади. Бу ерда олиб борилган илмий тадқиқотларда халқаро тажриба-ларни қўллаш республикамиздаги фан ва маданият тараққиётида кат-та истиқболларни очиб беради. Келгусида ЮНЕСКО ҳамда “Евро-па фани ва маданияти ассоциация-си” билан ҳамкорликда Оқсарой ёдгорлигининг тарихий фавворала-ри майдонида теурийлар даври маданияти мавзусида виртуал музей яратиш ҳамда ушбу тадбир доирасида Франциянинг Париж, Перего ва Бордо каби йирик шаҳарларида теурийлар даври маданиятини акс эттирувчи экспонатларни намойиш қилиш режалаштирилмоқда.

**ЭКСПОНАТЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАЙДИ**

Халқимизнинг шонли саналари муносабати билан музейлар фон-ди археология, этнография, халқ амалий санъатига оид ва бошқа турдаги ноб экспонатлар билан бойиди. Муасса-самизда 1996 йил-дан 2002 йилгача

тўпланган осориатикалар воситаси-да 2 та фундаментал мавзули кўрғазма яратилди. Ушбу фондлар-ни янги экспонатлар ва санъат асарлари билан янада бойитиш, сақлаш ҳамда кейинги авлодларга етказиш, шунингдек, музейларнинг моддий-техника базасини мустаҳ-камлаш борасида бир қатор иш-лар қилинмоқда. Бундан ташқари, Япония музейлари, Франциянинг

ошқоралиги ва самарадорлиги-ни таъминлаш, уларнинг роли-ни кучайтириш мақсадида “Иж-тимойи шериклик тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган. Ушбу қонун лойиҳаси-ни ишлаб чиқиш бўйича тегиш-ли вазирлик ва идоралар мута-хассисларидан иборат эксперт гуруҳи тузилган бўлиб, улар лойиҳанинг мавжуд қонунчили-гимизга, шунингдек, қонунчилик техникаси қондаларига муво-фиқлигини ўрганди. Муҳокама-лар жараёнида қонун лойиҳаси-ни такомиллаштириш бўйича икки юздан зиёд таклифлар олинди. Тадбирда аҳолининг ижти-моий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёшлар ва аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини оши-риш, меҳнатқашлар ҳамда улар-нинг фарзандларини соғлом-лаштириш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар ху-сусида ҳам батафсил маълумот берилди. Жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерация-си кенгаши, Савдо-саноат па-латаси ўртасида 2011 — 2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисо-дий масалалар бўйича Бош ке-лишув имзоланган. Мазкур ҳуж-жат касаба уюшмалари фаоли-ятини янги босқичга олиб чи-қиш, хусусан, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги шартномавий муносабатларни ижтимоий шериклик тамойилла-ри асосида мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Халқимизнинг ўтмиш тарихи, маданияти, миллат сифатида шаклланиши, мустақиллиги учун неча асрлардан бунён олиб бо-рилган курашлар, ўзбек миллий мафқурасининг шаклланишини фактологик материаллар билан кўрсатишда музейлар энг муҳим тарғибот воситаси ҳисобланади. Шу боисдан мамлакатимизнинг турли шаҳарларида қатор музейлар қайта таъмирланди. Хозирги кунда республикамизда 1 минг 200 дан ортқ турли йўналишдаги катта ва кичик музейлар фаолият кўрсатмоқда. Узоқ ўтмишимиз-даги маданий жараёнлардан хабар берувчи осориатикаларни ўз фондида сақлаётган бу муассасалар ўзичи ки, ёшларнинг иж-тимойи гоё асосида тарбиялашда ўзига хос мактаб вази-фасини ўтайди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ИНСОН  
МАНФААТЛАРИ —  
ДОИМО ЭЪТИБОРДА**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

ошқоралиги ва самарадорлиги-ни таъминлаш, уларнинг роли-ни кучайтириш мақсадида “Иж-тимойи шериклик тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилган. Ушбу қонун лойиҳаси-ни ишлаб чиқиш бўйича тегиш-ли вазирлик ва идоралар мута-хассисларидан иборат эксперт гуруҳи тузилган бўлиб, улар лойиҳанинг мавжуд қонунчили-гимизга, шунингдек, қонунчилик техникаси қондаларига муво-фиқлигини ўрганди. Муҳокама-лар жараёнида қонун лойиҳаси-ни такомиллаштириш бўйича икки юздан зиёд таклифлар олинди.

Тадбирда аҳолининг ижти-моий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёшлар ва аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини оши-риш, меҳнатқашлар ҳамда улар-нинг фарзандларини соғлом-лаштириш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар ху-сусида ҳам батафсил маълумот берилди. Жорий йил бошида Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерация-си кенгаши, Савдо-саноат па-латаси ўртасида 2011 — 2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисо-дий масалалар бўйича Бош ке-лишув имзоланган. Мазкур ҳуж-жат касаба уюшмалари фаоли-ятини янги босқичга олиб чи-қиш, хусусан, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги шартномавий муносабатларни ижтимоий шериклик тамойилла-ри асосида мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шавкат ОРТИҚОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Реклама ва эълонлар**

**Тошкент давлат техника университети**

«Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 29 сентябрь 188-(5355) сонида компьютер техникаси сотиб олиш бўйича эълон қилинган тендернинг мuddати 2011 йил 1 декабрь соат 17.00 гача узайтирилганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефон: (8-371) 246-43-00. Факс: (8-371) 227-10-32. Қўшимча маълумотлар учун www.tdtu.uz 1468/1270

**«Farg'ona charm polimer» МЧЖ**

ўзи ишлаб чиқарган куйидаги махсулотларни сотади:

- хар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

Махсулот сертификатланган. Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй. Телефон: (8-373) 222-37-91. Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64. E-mail: charm\_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru

**MEBEL VA QURILISH MATERIALLARI KENG ASSORTIMENTDA**

• MEBEL  
• LDSP  
• POROLON  
• SEMENT  
• HAR XIL MIXLAR  
• ELEKTROD  
• REUKALAR  
• IZOL

Тел.: 279-00-88.

**ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:**

**АВТОКРАНЫ**

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

**КК-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**

- максимальная грузоподъемность — 14 т.
- максимальная высота подъема — 14,5 м.

**КК-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**

- максимальная грузоподъемность — 16 т.
- максимальная высота подъема — 25 м (с гуськом).

**КК-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**

- максимальная грузоподъемность — 25 т.
- максимальная высота подъема — 30 м (с гуськом).

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

предназначен для строительного-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность — 8 т.
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

Товар сертифицирован

**КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ**

на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

МОДЕЛЬ	ВЫСОТА ПОДЪЕМА ЛУЛЬКИ	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

**АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ**

Объемом 8 м<sup>3</sup> и 12 м<sup>3</sup> на шасси МАН, КАМАЗ, МАЗ.

Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

**ACCENT**

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

www.hyundai.com.uz  
Tel. (8-371) 250-11-11

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий тарқиб Ички ишлар идоралари фаҳрийси, истеъфодаги генерал-майор Шариқ Рустамович ҲАСАНБАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси “Ахборот” информатсион эштитиришлар муҳарририяти бўлим мудири Аҳмадjon Бузруквага акаси Аббосхон БУЗРУКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# САНЪАТГА ОШУФТА ЁШЛАР

Мамлакатимизда ёш авлоднинг порлоқ истиқболлини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами йил сайин кенгайиб бораёпти. Нафақат вилоят ва туманлар марказлари, балки энг олис ва чекка ҳудудларда ҳам замонавий мактаблар, спорт иншоотлари, коллежлар қад ростламоқда. Илмга чанқоқ, иқтидорли ва истеъдодли ёшлар кашф этилиб, улар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётир.



## Интилиш

Қосимжон Мирзаахпаров — Фаргона давлат университетининг иқтидорли талабаларидан бири.

## ТАЛАБА ИХТИРОСИ

Унинг узоқ изланишлари самарасида тақомиллаштирилган ноғоронлар аравачасининг янги намунаси жорий йилда Тошкентда бўлиб ўтган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркасида намойиш этилиб, мутахассислар томонидан юқори баҳоланганди.

Мазкур таянч-ҳаракат воситаси оддий ноғоронлар аравачасига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, унда оғоҳлантурувчи белгилар, овқатланиш пештахтаси, юкхона, дори қутиси, соябон, бел ёстиқчалари мавжуд.

Шу ўринда айтиш жоизки, Қосимжон «Келажак овози» мегатанловининг вилоят босқичида ҳам голибликни қўлга киритди. Эндиликда у ушбу танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Н. СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Саломатлик — бебаҳо неъмат. Вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтиб туриш соғлом турмуш гаровидир. Афсуски, бугунги кунда Ер куррасининг турли жойларида кечаётган иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар ва экологиянинг бузилиши айрим хасталикларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Шулардан бири кўкрак бези саратонидир.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили бир миллион нафарга яқин бемор мазкур хасталик билан рўйхатга олинар экан. Айни чоғда ушбу дарднинг тобора чуқур индиз отиб бораётгани боис октябр ойи халқаро микёсда «Кўкрак бези саратонига қарши кураш ойлиги» деб эълон қилинди. Мазкур ойлик давомида мамлакатимизда «Аёллар кенгаши» Республика жамоатчилиги билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ишлаб чиқирилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Масалан, юртимизнинг барча ҳудудларида Республика Онкология маркази ва Тошкент шаҳар онкология ши-

носнослик жамғармаси (UNFPA) ҳамкорлигида «Ҳаёт учун» шiori остида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, ҳар йили турли спорт мусобақалари ва марафонлар ташкил этиляпти. Шунингдек, «Аёллар кенгаши» Республи-

ка жамоат бирлашмаси иштирокида 2 мингдан зиёд аёллар кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, «Salus vita» соғломлаштириш мажмуасида уларнинг бепул тиббий текшируви йўлга қўйилди. Хабарингиз бор, ушбу касалликка чалинган беморларни қўллаб-қувватлаш, уларни даволаш борасида «Аёллар кенгаши» Республика жамоатчилиги билан ҳамда БМТнинг Аҳоли-

## РУҲИЙ МАДАД — БЕМОРГА ҚУВВАТ

ка жамоат бирлашмаси иштирокида 2 мингдан зиёд аёллар кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, «Salus vita» соғломлаштириш мажмуасида уларнинг бепул тиббий текшируви йўлга қўйилди. Хабарингиз бор, ушбу касалликка чалинган беморларни қўллаб-қувватлаш, уларни даволаш борасида «Аёллар кенгаши» Республика жамоатчилиги билан ҳамда БМТнинг Аҳоли-

ка жамоат бирлашмаси иштирокида 2 мингдан зиёд аёллар кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолларда тиббий ёрдам кўрсатилди. Қолаверса, «Salus vita» соғломлаштириш мажмуасида уларнинг бепул тиббий текшируви йўлга қўйилди. Хабарингиз бор, ушбу касалликка чалинган беморларни қўллаб-қувватлаш, уларни даволаш борасида «Аёллар кенгаши» Республика жамоатчилиги билан ҳамда БМТнинг Аҳоли-


мадлиги ҳақида ўзи қайғуриши, йилига камида икки мартаба тиббий кўриқдан ўтиши зарур. Тажрибалилар шунингдек, кўкрак бези саратони насл суриш эҳтимоли юқори

бўлган касалликдир. Шу боис бундай беморнинг оила аъзолари ҳам доимий назоратда бўлишлари талаб этилади. Бугунги кунда Республика Онкология маркази мутахассислари хасталикларни кечиктирмай аниқлаш ва ўз вақтида даво чораларини қўллаш борасида изчил изланишлар олиб бормоқда. Энг муҳими, бу ерда жарроҳлик муолажаларидан кейинги пластик жарроҳлик амалиёти ҳам йўлга қўйил-



Қобилова. — Юртимизда чуқур билим эгаллашимиз ҳамда истеъдодимизни юзага чиқаришимиз учун барча имконият муҳайё этилмоқда. Шу эътибор ва эъзозга муносиб бўлишга интиляемиз. Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, «Келажак овози» танловининг республика босқичи голиблари қаторидан ўрин олиб, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллаганим биз, ёшлар учун яратилаётган қўлайликлар самарасидир, албатта.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.  
Шомурот ШАРАПОВ  
олган суратлар.



Саломатлик

ган. Сўнги пайтларда тиббиёт тизимининг ривожланаётгани боис маълум бўлдики, кўкрак бези саратонини ҳам даволаш мумкин экан. Фақат бунинг учун жиддий эътибор, яқинларнинг руҳий қўллаб-қувватлаши, касалликни енгиштириш бўлган ишонч ниҳоятда зарур. Зеро, буюк аллома Абу Али ибн Сино айтганидек, руҳий мадад беморга далда бериб, уни курашга, яшашга ундайди.

Нигора МАҲМУДОВА,  
Республика Онкология илмий маркази бўлим мудири,  
тиббиёт фанлари номзоди.

## Болажонлар учун қўлайлик

Қирай туманидаги вилоят руҳий-аномал гўдак болалар уйининг замонавий қиёфадаги янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мазкур иншоотни тубдан реконструкция қилиш ва қўшимча бинолар қуриш учун қиймати 589 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилган, шарт-шароитлар бутунлай яхшиланди. Ушбу хайрли ишни тумандаги «ПМК-2» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қисқа фур-

сатда сифатли адо этдилар. Эндиликда ёруғ ва шинам дарс ҳамда машғулотлар хонаси, шунингдек, кутубхона, ошхона, спорт майдончаси ва хийбон болажонлар ихтиёрида.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

<b>СЎВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР</b> — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.	<b>ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР</b> — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.
<b>Квадрат кесимдаги ПЛАТ ҚУВУРЛАР</b> — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.	<b>Тўғри бурчак кесимдаги ПЛАТ ҚУВУРЛАР</b> — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
<b>Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.</b>	<b>КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ</b> — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.
<b>ПРОФНАСТИЛ</b> — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.	

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

## «SHORTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК «POLIETILEN QUVURLARI» ШК

Навоий вилоятидаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойидан бошлаб «Полиэтилен қувурлари» шўба корхонаси ишга тушди. Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлари кенг асортиментда ишлаб чиқарилмоқда. Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йилларга халос этади. Юқори сифатли қувурлар 50 йиллик кафолат мuddатига эга.

№	Диаметри	Қувур тури	Девори қалинлиги (мм.)	Қувур узунлиги (метр)	1 п.м. қувур баҳоси (ҚҚС билан)	
					Ўзб. сўми	АҚШ долл.
1	75	сл SDR 26 S 12.5	2.9 + 0.4	6 — 11 м	6249,15	3,66
		с SDR 17.6 S 8.3	4.3 + 0.6	6 — 11 м	8096,76	4,74
		т SDR 11 S 5	6.8 + 0.8	6 — 11 м	12058,61	7,07
2	90	сл SDR 26 S 12.5	3.5 + 0.5	6 — 11 м	8144,30	4,77
		с SDR 17.6 S 8.3	5.1 + 0.7	6 — 11 м	10841,31	6,35
		т SDR 11 S 5	8.2 + 1.0	6 — 11 м	16152,73	9,46
3	110	сл SDR 41	2.7 + 0.4	6 — 11 м	7916,92	4,64
		сл SDR 26 S 12.5	4.2 + 0.6	6 — 11 м	11304,88	6,62
		с SDR 17.6 S 8.3	6.3 + 0.8	6 — 11 м	15846,20	9,29
4	160	сл SDR 11 S 5	10.0 + 1.1	6 — 11 м	24181,80	14,17
		сл SDR 41	4.0 + 0.5	6 — 11 м	14460,23	8,47
		сл SDR 26 S 12.5	6.2 + 0.8	6 — 11 м	21451,08	12,57
5	200	с SDR 17.6 S 8.3	9.1 + 1.1	6 — 11 м	29174,40	17,09
		т SDR 11 S 5	14.6 + 1.6	6 — 11 м	46582,54	27,30
		сл SDR 41	4.9 + 0.6	6 — 11 м	21776,16	12,76
6	250	сл SDR 26 S 12.5	7.7 + 0.9	6 — 11 м	32474,87	19,03
		с SDR 17.6 S 8.3	11.4 + 1.3	6 — 11 м	47384,85	27,77
		т SDR 11 S 5	18.2 + 2.0	6 — 11 м	73056,19	42,81
7	Томчилаб суғориш учун шланг Ø 16 мм.	сл SDR 41	6.2 + 0.8	6 — 11 м	33643,58	19,71
		сл SDR 26 S 12.5	9.6 + 1.1	6 — 11 м	50578,49	29,64
		с SDR 17.6 S 8.3	14.2 + 1.6	6 — 11 м	74119,08	43,43
		т SDR 11 S 5	22.7 + 2.4	6 — 11 м	112021,19	65,64

Полиэтилен қувурларига мувофиқлик сертификати ва гигиеник сертификатлар берилган.

Буортан ҳамда таклифлар куйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (+99893) 950-55-11, 950-02-32. Шунингдек, бюртмаларни pe\_plast@mail.ru электрон манзилига юборишингиз мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликратоб кўргони. Тел./факс: (8-436) 220-00-36.

## ОБ-ҲАВО

(2 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 2-7, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик кутилмайди. Кечаси 2-7 даража, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 4-9 даража, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёмғир ёғади. Тунда 2-7 даража, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 2-4 даража, кундузи 12-14 даража илиқ бўлади.

«Ўзгираромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 284,5 ▼ -86,0 ЦЕМЕНТ (пц400 к220) 226,0 ▼ -2,7 АРМАТУРА 3598,8 ▲ +329,2 ШИФЕР (1 лист) 15207 ▲ +225 АЗОТ. ФОСФОР. ҲИТИ 370,1 ▲ +0,5 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

## Халқ сўзи

### Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 48826 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳач — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқуни — 21.10 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5